



## **МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИГА ТАЛАБНИ ПРОГНОЗЛАШ БОРАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

**М.А.Умарова**

*ТДИУ и.ф.д. доцент*

**З.Ф.Холтаева**

*ТДИУ магистранти*

**Аннотация:** Иқтисодиётнинг ривожланиши учун зарур бўлган кадрларга меҳнат бозорининг қўшиимча эҳтиёжларини ишлаб чиқиши минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланишини прогнозлаши учун муҳим омил ҳисобланади. Афсуски, ҳозирги кунда кадрлар тайёрлаши сони ва структураси ҳақида гапирганда тайёрланаётган мутахассисларни шига жойлаштириши статистикасига таянган ҳолда бирон-бир асосли прогнозлаши қийин.

Етарли даражада асосланган режса-буортманинг йўқлиги айрим ихтисосликлар бўйича товарларнинг ортиқча ишлаб чиқарилишига, бошқа йўналишлар бўйича эса тақчилликка олиб келади. Буларнинг барчаси ва яна бошқа сабаблар мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришига хизмат қиласиди. Шу сабабли, иқтисодиётнинг малакали кадрларга эҳтиёжини прогнозлаши моделини ишлаб чиқиши қандай амалга оширилиши лозимлигини тушуниши учун хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиши ҳамда амалдаги тизимларнинг барча ижобий ва салбий жиҳатларини акс эттириши лозим.

**Таянч сўзлар:** модель, таълим, эҳтиёж, ихтисослашув, хориж тажрибаси, меҳнат бозори ва бандлик.

**Хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва баҳолаш, иқтисодиётнинг малакали кадрларга эҳтиёжини аниқлаш моделларини ишлаб чиқиш**

### **I. Австралия**

Австралия ҳукуматининг буортмасига асосан иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандликни прогнозлаш учун MONASH прогнозлаш модели ишлаб чиқилади.

Мувозанатли тизимларни моделлаштиришга ихтисослашган MONASH университети иқтисодий тадқиқотлар маркази ҳисобланади. MONASH модели – амалий макроиктисодий модель бўлиб, иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи бўйича бандлик ва меҳнат бозоридаги умумий мувозанатни белгилаб беради. Модель фаолият турлари бўйича банд бўлганлар сонини прогнозлаш ёрдамида меҳнат бозорида зарур ихтисосликларни аниқлаб беради. Ушбу модель 56 та минтақа ва 113 та иқтисодиёт қўйи тармоқлари бўйича прогнозлашни амалга оширишга имкон беради. Бундай модель 282 та касб бўйича бандликни прогнозлашни деталлаштиришни ҳисобга олади [2].

MONASH макроиктисодий моделини бошқалардан ажратиб турадиган хусусият шундан иборатки, кириш кўрсаткичлари миллий ҳисоблар тизими, ташқи савдо бўйича



статистика маълумотлари, аҳолини рўйхатга олиш натижалари, биржা маълумотлари каби кенг статистика маълумотлари ҳисобланади. MONASH моделини ишлаб чиқиш босқичлари 1-расмда акс эттирилган.

1. Ялпи миллий даромаднинг ўрта муддатли прогнози

2. Ялпи қўшилган қиймат ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлар сони ва прогнозни деталлаштириш

3. Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни, шунингдек, 56 минтақа бўйича деталлаштирган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари бўйича банд бўлганлар сонини прогнозлаш

4. Бандлик таснифлагичига мувофиқ 282 та касб бўйича ажратган ҳолда бандлар сонини прогнозлаш

5. Белгиланган тоифалар бўйича бандлик прогнозини деталлаштириш: жинси, ёши, ҳафтада иш соатлари сони ва маълумот даражаси бўйича

### *1-расм. MONASH прогноз моделини ишлаб чиқиши босқичлари*

Моделни ишлаб чиқиши даврийлиги ҳар икки йилда бир марта. Моделга 7 йилга тенг бўлган ривожланиш даври асос қилиб олинган.

Моделнинг афзаликлари:

1. Умумий прогнозлаш моделида фойдаланиш учун муҳим омилларни бирлаштириши.

2. Ушбу модель нафақат эҳтимолий ижтимоий ва технологик ўзгаришларни, балки бандлик соҳасининг ривожланишини ҳам прогнозлашга имкон беради.

3. Моделнинг очиқлиги, шаффофлиги ва ахборот бериш учун мўлжалланганлиги.

4. Иқтисодиётнинг маълум бир тармоқлари бўйича банд бўлганлар сонини прогнозлаш миллий иқтисодиётнинг макроиктисодий кўрсаткичларига асосланади.

MONASH моделига хос бўлган камчиликлар: моделлаштиришда маълумотлар ҳажми катталиги ва мураккаблик.

### **2. Буюк Британия**

Буюк Британияда меҳнат бозоридаги талабни прогнозлаш билан 20 йилдан буён Бандликни тадқиқ этиш институти (IER) шуғулланиб келмоқда, шу сабабли уларнинг модели барча прогнозлаш тизимлари ичida энг ривожланган ҳисобланади. Режалаштириш даври 5-10 йилни ташкил қиласди. Прогноз ҳар йили янгилаш борилади. Асосий прогноздан алоҳида равишда иқтисодиётда бандликдаги ўзгаришлар ва меҳнат билан бандларнинг касблар бўйича тақсимланиши аниқланади. 1978 йил ташкил қилинган Cambridge Econometrics Limited прогнозлар ишлаб чиқишни амалга оширадиган етакчи компаниялардан бири саналади. Cambridge Econometrics Limited



«Cambridge Multisectoral Dynamic Model of the British Economy» (MDM) мультисекторал динамика модель ёрдамида прогнозлаш билан шуғулланади. MDM модели иқтисодиёт, экология ва энергетикани бирлаштиради, бу кўрсаткичлар интеграцияси иқтисодиёт структурасидаги ўзгаришларни, шунингдек, энергетика ресурслари истеъмолидаги ва атмосферага чиқариладиган моддаларни аниқроқ таҳлил қилиш ва прогнозлашга йўналтирилади [3].

MDM модели малакали кадрларга эҳтиёжни прогнозлашга имкон беради. бандлик прогнози иқтисодиётни 50 та тармоққа ажратган ҳолда 25 гуруҳдаги ихтисосликлар бўйича амалга оширилади. MONASH моделини ишлаб чиқиш босқичлари 2-расмда акс эттирилган.

1. Cambrige MDM model моделига асосланган ҳолда  
бандлик ўзгаришларини прогнозлаш

2. Иқтисодиётнинг 50 тармоғи кесимида бандлик  
структурасини прогнозлаш

3. Иқтисодиёт тармоқларида касблар структураси  
ўзгаришини прогнозлаш

## *2-расм. MDM моделини ишлаб чиқиши босқичлари*

Касбий фаолият тури бўйича мутахассислар сонини аниқлаш учун қуйидаги моделлардан фойдаланилади:

- касбий бандлик;
- бандликни ўзгартириш.

Моделни ишлаб чиқиш учун бир қатор статистик маълумотлардан фойдаланилади, чунончи: ишчи кучи статистикаси, аҳолини рўйхатга олиш статистикаси, фан ва таълим департаментининг статистик маълумотлари.

### **3. Германия**

Interindustry FOREcasting Germany (INFORGE) моделини ишлаб чиқиш билан Иқтисодий структурани тадқиқ этиш институти (The Institute of Economic Structures Research) шуғулланади. INFORGE модели иқтисодиёт структурасида рўй бераётган ўзгаришларни тадқиқ этиш учун зарур. Ушбу модель ўзига хос ҳисобланиб, минтақавий прогнозларни тармоқлар бўйича ишлаб чиқиши ўз ичига олади.

Иқтисодий структурани тадқиқ этиш институти томонидан макроиқтисодий прогнозларни ўз ичига оладиган ўзига хос тизим ишлаб чиқилган, ушбу прогнозлар минтақавий кўламдаги прогнозларга ажратган ҳолда миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича ахборот тақдим этиши мумкин.

Ушбу модель учун барча зарур ҳисоб-китоблар улар доирасида амалга ошириладиган асосий манбалар расмий статистика маълумотлари ва эконометрика усуслари ҳисобланади. Расмий статистика маълумотларидан ташқари German



Mikrozensus статистика шархларидан ҳам фойдаланилади.

INFORGE моделида касблар бўйича бандлик прогнозлари, шунингдек, меҳнат бозори бўйича маълумотлар интеграцияланади.

1. Бутун иқтисодиёт учун умумий ўзгарувчи кўрсаткичлар ва ҳар бир тармоқ учун 600 та ўзгарувчи кўрсаткичдан иборат бўлган Employment Projections модели асосида иқтисодиётнинг 59 тармоғи бўйича деталлаштирган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари бўйича иқтисодий динамикани прогнозлаш
2. Бандлик турлари, касбий структура ва малакавий даража бўйича асосий трендларни экстраполяция қилиш йўли билан ишчи кучига бўлган талабни прогнозлаш
3. Аҳолининг иқтисодий фаоллиги прогнози билан уйғунлиқда узок муддатли демографик прогнозга асосланган ҳолда малакавий даража бўйича ишчи кучига бўлган талабни прогнозлаш

### *Зрасм. INFORGE моделини ишлаб чиқиши босқичлари*

INFORGE моделининг афзаллиги иқтисодиётнинг турли секторлари динамикаси аниқлаш учун «харажатлар – ишлаб чиқариш» модели, прогноз моделларини ҳар йили янгилаш каби омиллар мавжудлиги ҳисобланади. Модель 24 та ихтисослик бўйича малакали мутахассисларга эҳтиёж ва иқтисодиётнинг 11 сектори кесимида 16 та федерал ерлар бўйича ажратган ҳолда прогноз ишлаб чиқилади [4].

Умуман олганда, кадрларга талабни прогнозлашнинг мавжуд моделлари учун бир нечта умумий жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин. Хусусан, бир қатор мамлакатларда (АҚШ, Франция, Япония) прогнозлар Меҳнат ва ижтимоий тараққиёт вазирликлари томонидан ишлаб чиқилади, лекин охирги пайтларда бу вазифа мустақил тадқиқотчилик ташкилотларига тобора кўпроқ топширилмоқда. Ушбу моделлар бандлик ва меҳнат бозори тенденцияларини ўрганиш ва прогнозлашда катта қизиқиш уйготади. Бу моделлар бўйича тузилган прогноз меҳнат бозоридаги ҳолатни етарли даражада аниқ ва юқори эҳтимоллилик билан акс эттиради, лекин кадрларни прогнозлаш учун бу ҳам етарли эмас [5].

Кадрларга, энг аввало, ёш мутахассисларга эҳтиёжни прогнозлаш ҳозирги пайтда минтақалар илмий-техник салоҳиятини ривожлантириш борасида ҳам, бозор муносабатлари шароитларида ОТМлар фаолиятини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ҳам иқтисодиётнинг энг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. прогноз қилинаётган эҳтиёж касб таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, ҳар бир ходимни тайёрлаш харажатлари, миграция, ишсизлик ва ҳ.к. билан боғланган бўлиши лозим. Бу омилларнинг барчаси кадрлар тайёрлаш зарур кўламини белгилашда аниқ мўлжал бўлиб хизмат қилиши лозим.



**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Алавердов А. Р. Управление человеческими ресурсами организаций. — М., МФГУ Синергия, 2012. — 656 с.
2. Sudhir Junankar. Ole Lofsnæs and Philip Summerton. MDM-E3: A short technical description. Cambridge Econometrics, Working Paper, March 2007.
3. Christian Lutz, Martin Distelkamp, Bernd Meyer, Marc Ingo Wolter. Forecasting the Interindustry Development of the German Economy: The Model INFORGE. GWS Discussion paper 2003/2.
4. Дульзон С. В. Зарубежный опыт прогнозирования формирования и использования трудовых ресурсов, ВНИОПТУСХ — URL: [http://orensau.ru/ru/prochivedokumenty/doc\\_view/2753-36](http://orensau.ru/ru/prochivedokumenty/doc_view/2753-36).
5. Зарубежный опыт стимулирования инновационной деятельности частного бизнеса. — URL: <http://www.vmo.rgub.ru/files/vipusk23-146-2>.